8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

*Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.*

**Шавкат Мирзиёев**

Ishonch

2019 йил 8 декабрь • якшанба • № 146-147-148 (4277)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси*

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Ҳурматли юртдошлар!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз **«Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади»**, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.**

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

**«Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови»** деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш айниқса долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаймиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари ким учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда? Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

2-3 ▸



Ўзбекистон Республикаси

ҚОНУНИ

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4-5 ▸

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар!

Аввало, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни қутлуғ айём – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳаммамизга яхши аёнки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир.

Ана шундай муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонкуяр олим ва мутахассисларни дунёдаги энг олижаноб касб эгаларидир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Чиндан ҳам, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, ризқ йўлини очадиган, хонадонларимиздаги тўкинлик ва файзу барака сабабчиси бўлган сиздек фидойи инсонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Ушбу байрам муносабати билан сизларни қутлар эканмиз, бу йилги машаққатли меҳнатингиз, эришилган натижалар ва олдимизда турган режалар ҳақида атрофлича тўхталишимиз табиийдир.

Аввало сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётганини қайд этиш лозим.

Лекин кўпни кўрган, доимо ер билан тиллашиб, дардлашиб яшайдиган деҳқон ва фермерларимиз ана шундай мураккаб шароитда ҳам омилкорлик билан, бой билим ва тажрибаси, илм-фан ютуқларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Жорий йилда сизларнинг пешона терингиз билан 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум олингани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб бораётгани сир эмас.

Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат экинлари етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги тўрт йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 300 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини етиштириш йўлга қўйилиб, жумладан, 32 минг гектар ерда интенсив боғлар, 15 минг гектарда токзорлар, 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо этилгани, 114 минг гектарда сабзавот ва картошка, 72 минг гектарда дуккакли ва мойли экинлар, 52 минг гектарда озуқа экинлари етиштирилаётганини таъкидлаш лозим.

6 ▸




## ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этиб, Асосий Қонунимизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

3 ▸

## КУН НАФАСИ



Давлатимиз раҳбари **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонунга имзо чекди.

**uza.uz**



Пекиндаги Хитой халқаро муаммолар академиясида **«Президент Шавкат Мирзиёев – Ўзбекистондаги ислоҳотлар даврининг меъмори»** номли китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу асар ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Хитой халқаро муаммолар академияси мувофиқлаштируви остида «Халқаро ҳаёт» нашриёти томонидан чоп этилди.

**«Дунё» ахборот агентлиги**



**Наманганда Президент мактаби очилди.**

**uza.uz**



Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиётнинг турли йўналишларида ўтказилган **«Йилнинг энг яхши шифокори»** республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**ishonch.uz**

Миср Араб Республикаси Олий таълим ва илмий тадқиқотлар вазирлигининг Илмий тадқиқотлар ва технологиялар академияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан ишлаб чиқилган **ген-нокаут (генни ўчириш) инновацион технологияси учун патент берилди.**

**Инновацион ривожланиш вазирлиги ахборот хизмати**

## Инсонпарварликнинг юксак намунаси

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади*

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **92** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **20** нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, **37** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **16** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **73** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда ва пробация хизмати органлари назоратидан олинмоқда. Шунингдек, **19** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **3** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, **3** нафарини аёллар ҳамда **79** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

2019 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА
№ 146-147-148 (4277)

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

◂1

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган **«Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»**ги қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ислоҳотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экин майдонларида рухсатномасиз, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби нохуш ҳолатлар қонунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаётганидан далолат беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

**Иккинчидан,** Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: **«Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди»**.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда.

Якунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати **«бир томонлама восита»**га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, холис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳududдаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва ҳуқуқий изоҳлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, **жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.**

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказини, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

**Учинчидан,** оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам «жамият кўзгуси»га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакилларидир.

Демократик ислоҳотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта такрорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.**

**Тўртинчидан,** қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислоҳотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – айни ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Бешинчидан,** биз қанчалик мукаммал қонунлар яратмайлик, қандай ислоҳотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал **«Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради»**, деб айтган ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаяпмизми?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиз. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни халқимиз улуғ ва азиз неъмат сифатида ғоятда қадрлайди. Ноннинг қадрини айниқса ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу муҳташам саройда уларнинг энг муносиб вакилларини кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмга ўзгача файз бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратганнинг бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туйғусини фарзандларимиз қалбига ёшлигидан сингдириб боришимиз зарур.

Яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда «қонунни четлаб ўтиш» бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди.

Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очиқ ва ошкора тартиблар яратилди. Шунингдек, «ягона дарча» тамойили асосида 100 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аммо бу ўзгаришлар туфайли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга беписандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очиқ тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислоҳотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприклар, боғча, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўплаб уй-жойлар қуряпмиз ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизни янада кўпайтирамиз.

Халқимизда **«Қарс икки қўлдан чиқади»,** деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кўпни кўрган муҳтарам кексаларимиз, фаол фуқароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз бугунги ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларда фидойилик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

**Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.**

Азиз дўстлар!

Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

**Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.**

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун «Конституция алифбоси», «Конституция сабоқлари», «Конституция асослари» каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда қатъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳрлаб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қоидалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини англатади. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. **Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

**Биринчидан,** инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги, **«Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг **«Мажбурий меҳнат тўғрисида»**ги, **«Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида»**ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида куни кеча навбатдаги фармонга имзо чекдим. Унга биноан жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилади.

Бу йил Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясини ёпганимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида **«Инсон ҳуқуқлари»**, **«Бола ҳуқуқлари»**, **«Аёллар ҳуқуқлари»** номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

**Иккинчидан,** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экспериментиши каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охирги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

**Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир.** Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шуни инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларни аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сармоя киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама ҳис қилишларини истардим.

**Учинчидан,** адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ акс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

3▸

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

◂1-2

**Тўртинчидан,** виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига борувчилар сони 10 мингдан 30 мингтага, ҳаж зиёратига борувчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ҳукумат таркибида Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди.

Бироқ чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни алдаётгани ҳақидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради.**

Бунинг учун, жумладан, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан кўрсатилаётган консуллик хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Токи чет элдаги фуқароларимиз бошқа шаҳардан консуллик бўлимларига бевосита ўзи келиб, овора бўлиб юрмасин.

Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари келгуси йилда ушбу тизимни тўлиқ ишга туширишга масъул этиб белгиланади.

**Бешинчидан,** хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан **«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»**ги ҳамда **«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?

Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири жуда катта. Шунинг учун биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттирамиз.

**Олтинчидан,** фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади.

Биз ўтган йиллар давомида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди. Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатмоқда. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинади.

Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ноқонуний чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, унга тадбиркор манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Соҳада очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак.

Биз жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислоҳотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, **мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур.** Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

**«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар»** шиори остида ўтаётган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона **Сайлов кодекси** қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгилик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ – 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилингани ҳам сиёсий майдонда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган кўплаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир қадам қўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислоҳотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислоҳотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдири ва келажаги олдидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва камоли учун овоз беради.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамиша раҳнамо бўлиб, беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.**

**Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.**

**Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.**

**Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.**

**Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.**

**Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуғ мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.**

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, эзгу ташаббус ва ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакилларига ўз номимдан, халқимиз номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни қутлуғ айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

◂1

Ўзбекистон янги тараққиёт йўлидан олға илдамламоқда. Барча соҳада жадал суръатда олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини юксалтиришни мақсад қилган. Ўзига хос йил сарҳисобига айланган Конституция байрамида якунланаётган йилда бажарилган ишлар кўз олдимиздан ўтади, нималарга эриша олдигу, қайси вазифаларни уддалашда сусткашликка йўл қўйилди, деган савол кўндаланг бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида шу масалага эътибор қаратди. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик ҳаётимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини қарор топтириш, халқимизни рози қилиш борасидаги вазифаларга тўхталди.

Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Мамлакатимизда бундан уч йил олдин халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги шакли – Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бугун барча даражадаги давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш, одамларни тинглаш, муаммоларини ҳал этиш биринчи даражали масалага айланди. Одамларда адолатга, қонун устуворлигига ишонч ортди. Энг муҳими, юртдошларимизда ён-атрофидаги муаммоларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғуси кучайди.



Лекин шу билан бирга қонунларнинг мукаммал ишлаши, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тўла рўёбга чиқиши, соддароқ айтганда, ислоҳотлар ҳаётимизда ўз ифодасини топиши учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланган бўлиши зарур. Фуқароларда, барча бўғиндаги раҳбарларда Конституция ва қонунларга итоат туйғуси қарор топсагина жамиятимиз ўзгаради, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз ўз маърузасида қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишлаб чиқаётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади. Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан самарали восита йўқ экани, қонунийликни қарор топтириш, қонун бузилишига қарши курашиш борасида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари «уйғонгани» қайд этилди.



Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш, бу борадаги кўникмаларни фарзандлар тарбиясига болаликдан сингдириш кераклигига эътибор қаратилди.

Бош қомусимизда белгиланган инсонпарвар тамойиллар тўла амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг жиноят содир этганларни афв этиш бўйича 8 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Конституция байрами арафасида давлатимиз раҳбари яна бир шундай фармонга имзо чекди. Унга биноан, жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилди. Жорий йилда Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани ҳам инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, бу йил 5 минг 868 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Байрам тантанасига йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, Мустақиллигимиз қўшиғига жўр бўлди.

Бугунги шиддатли даврда олдимизга қўйган юксак марраларга эришишда, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, энг муҳими, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишида мустақил тараққиётимиз, озод ва эркин ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган Конституциямиз беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

Тантанали маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси
**ҚОНУНИ**

# Касаба уюшмалари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 24 октябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган.

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек, касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### 2-модда. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлар

Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонун ҳужжатларида ушбу Қонунни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, ички ишлар органларида, Давлат хавфсизлик хизматида, Миллий гвардиясида ва бошқа ҳарбий тузилмаларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**касаба уюшмаси** – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмаси;

**бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти** – бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмаси;

**касаба уюшмаларининг бирлашмаси** – ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишига ва бирлигига эришиш мақсадида тармоққа доир, ҳудудий ёки касбий ўзига хосликни ҳисобга олувчи бошқа белги бўйича тузиладиган ихтиёрий бирлашма;

**касаба уюшмасининг бўлинмаси** – касаба уюшмасининг уставига мувофиқ ташкил этиладиган, тегишли ҳудудда унинг вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини амалга оширадиган бўлинма.

### 4-модда. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек, касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

## 2-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

### 5-модда. Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;
ихтиёрийлик;
камситишга йўл қўймаслик;
мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш;
тенг ҳуқуқлилик;
ошкоралик ва очиқлик.

### 6-модда. Қонунийлик принципи

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

### 7-модда. Ихтиёрийлик принципи

Фуқаролар ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловига кўра ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмаларига аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиш, шунингдек, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин касаба уюшмасига аъзоликни сақлаб қолиш тартиби ва шартлари тегишли касаба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек, уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

### 8-модда. Камситишга йўл қўймаслик принципи

Касаба уюшмаларига мансублик ёки мансуб эмаслик фуқароларнинг қонун ҳужжатларида кафолатланадиган меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир тарзда чеклашга сабаб бўлмайди. Ишга қабул қилишни, ишда кўтарилишни, шунингдек, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишни муайян касаба уюшмасига мансублик, унга аъзо бўлиш ёки аъзоликдан чиқиш билан боғлиқ қилиб қўйиш тақиқланади.

Ходимнинг касаба уюшмасига аъзо бўлмаслигига ёки аъзоликдан чиқишига доир ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас.

Ўзини касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги белгисига қараб камситилган деб ҳисобловчи шахс камситишни бартараф этиш, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

### 9-модда. Мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципи

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, ташкилий тузилмасини белгилайди, касаба уюшмаси органларини сайлайди, ўз фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар, шунингдек, бошқа тадбирлар ўтказади.

### 10-модда. Тенг ҳуқуқлилик принципи

Касаба уюшмаларининг барча аъзолари ушбу Қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, касаба уюшмаларининг уставларида ёки локал ҳужжатларида белгиланган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида тенгдир.

Касаба уюшмалари тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан, касаба уюшмалари бирлашмасидаги иштирокидан ёки бошқа белгисидан қатъи назар, тенг ҳуқуқларга эга.

### 11-модда. Ошкоралик ва очиқлик принципи

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолияти ошкора ва очиқдир. Касаба уюшмалари томонидан қабул қилинадиган уставлар ва низомлар оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан касаба уюшмаларининг расмий веб-сайтларида, албатта, эълон қилиниши лозим.

## 3-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ, УЛАР БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ КАФОЛАТЛАРИ

### 12-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралашмаслик кафолатлари

Давлат касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралашишга, шу жумладан уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

### 13-модда. Касаба уюшмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат касаба уюшмалари фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкин.

Давлат касаба уюшмалари фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тарзда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

### 14-модда. Касаба уюшмаларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари

Касаба уюшмаларининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Касаба уюшмаларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### 15-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар учун кафолатлар

Қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга – шу органнинг розилигисиз;

ташкилот бўлинмаларидаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига – тегишли касаба уюшмаси органининг розилигисиз;

ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига – тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз.

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган ҳолда йўл қўйилади, ташкилот касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари органларининг ишлаб чиқаришдаги ўз ишидан озод этилмаган аъзоларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланадиган шартларга кўра меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши, шунингдек, касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилади.

Касаба уюшмалари органларининг аъзолари ишлаб чиқаришдаги ишидан касаба уюшмалари томонидан чақириладиган қурултойларда, конференцияларда делегат сифатида, шунингдек, касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида иштирок этиш вақтига озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Касаба уюшмасининг уставида назарда тутилган ҳолларда ташкилотларда касаба уюшмасининг ташкилотчилари ёки касаба уюшмаси гуруҳларининг ташкилотчилари сайланиши мумкин, уларга нисбатан ушбу моддада назарда тутилган кафолатлар татбиқ этилади.

### 16-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар учун кафолатлар

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса ўша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имкони бўлмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида, жамоа шартномаларида, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланади.

### 17-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун меҳнатга оид қўшимча кафолатлар

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичида иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди.

### 18-модда. Иш берувчининг касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари

Иш берувчи:

касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши;

ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши;

касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши;

касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;

касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши;

касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вақт бериши. Бунда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши;

касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини, агар жамоа шартномасида, келишувида шундай қоида назарда тутилган бўлса, ўз вақтида ўтказиши шарт.

## 4-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИ, УЛАРНИНГ БИРЛАШМАЛАРИНИ, БЎЛИНМАЛАРИНИ ҲАМДА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

### 19-модда. Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ташкил этиш

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини жамоат бирлашмаси шаклидаги юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширади.

Касаба уюшмалари бир ёки бир нечта ташкилот ходимларининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Касаба уюшмаларининг бўлинмалари, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин. Касаба уюшмалари ўз бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг, шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобини юритади.

Касаба уюшмалари адлия органларида рўйхатдан ўтказилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини ташкил этиш ташаббускорлари, шунингдек, уларнинг раҳбар органлари аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Касаба уюшмасини, касаба уюшмалари бирлашмасини ташкил этиш ташаббускорлари қурултойни (конференцияни) ёки умумий йиғилишни чақиради, унда устав қабул қилинади, шунингдек, раҳбар органлар тузилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек, юридик шахс бўлган бўлинмалари ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади.

### 20-модда. Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг устави

Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг уставида қуйидагилар назарда тутилади:

номи, мақсад ва вазифалари;

ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият қайси ҳудуд доирасида амалга оширилса, ўша ҳудуд;

бирлашаётган ходимларнинг тоифалари ва касбий гуруҳлари;

касаба уюшмаси, касаба уюшмалари бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш (чиқариш) шартлари;

аъзолик бадалларини тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари;

аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тузилмаси ва раҳбар органлари, зарур бўлган тақдирда назорат-тафтиш органлари;

касаба уюшмалари органларининг ваколати ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари муддатлари, доимий асосда фаолият кўрсатувчи раҳбар органининг жойлашган ери;

пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, шунингдек, уларни бошқариш тартиби;

аъзолар олдида ҳисобот бериш тартиби ва муддатлари;

қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Касаба уюшмаси, касаба уюшмалари бирлашмаси уставида уларнинг рамзлари тавсифи бўлиши мумкин.

Уставда касаба уюшмаси, касаба уюшмалари бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Касаба уюшмалари бирлашмаси уставининг талаблари касаба уюшмалари бирлашмаси аъзолари бўлган касаба уюшмалари учун мажбурийдир.

### 21-модда. Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, шунингдек, юридик шахс бўлган бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

### 22-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг рамзлари

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари байроққа, тимсолга, рамзий байроққа ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг рамзлари давлат рамзлари билан бир хил бўлмаслиги керак.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг рамзлари уларнинг раҳбар органи томонидан уставга мувофиқ тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади.

### 23-модда. Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш

Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини қайта ташкил этиш уставда белгиланадиган улар раҳбар органининг қарорига кўра амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини тугатиш улар раҳбар органининг қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолияти маъмурий тартибда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

## 5-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ БИРЛАШМАЛАРИ, БЎЛИНМАЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

### 24-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулки

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек, юридик шахс бўлган бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз мулкида биноларга, иншоотларга, турар жойларга ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга, асбоб-ускуналарга, инвентарларга, пул маблағларига, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмасининг бўлинмаси, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тегишли касаба уюшмаси ёки унинг бўлинмаси ёхуд уларнинг аризасига кўра иш берувчи томонидан ўзига хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган махсус банк ҳисобварағига эга бўлишга, мазкур ҳисобварақда турган пул маблағларини эркин тасарруф этишга ҳақли. Касаба уюшмаси ташкилотининг махсус ҳисобварағидан иш берувчининг мажбуриятлари бўйича ундирувга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг иш берувчилар бирлашмаларига (иттифоқларига, уюшмаларига) ва сиёсий партияларга бирор-бир молиявий ёрдам кўрсатиши тақиқланади.

### 25-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Қуйидагилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

аъзолик бадаллари;
ихтиёрий мулкий бадаллар ва хайриялар;
тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари мол-мулкининг манбалари, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш манбаларидан олинган маблағлардан уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

### 26-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек, юридик шахс бўлган бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган тегишли мақсад ҳамда вазифалари доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек, юридик шахс бўлган бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, тижорат ташкилотларини ташкил этиш,ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли жамғармалар шакллантириш ҳуқуқига эга.

## 6-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ, УЛАР БИРЛАШМАЛАРИНИНГ, БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ВА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

### 27-модда. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

### 28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиб олиниши шарт.

### 29-модда. Жамоа музокараларини олиб боришга ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари манфаатлари улар томонидан ифода этилаётган ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб боришга, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга бўлган устувор ҳуқуққа эгадир.

Иш берувчининг вакили бўлган шахсларнинг ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориши ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузиши тақиқланади.

### 30-модда. Бандликка кўмаклашиш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи ходимларнинг манфаатларини ифода этувчи тегишли касаба уюшмасига ёки касаба уюшмалари бирлашмасига ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, камида икки ой олдин ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси
**ҚОНУНИ**

# Касаба уюшмалари тўғрисида

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эга.

Жамоа шартномасида ёки келишувида назарда тутилган ҳолларда, тегишли касаба уюшмасининг ёки бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг олдиндан розилигини олмасдан туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

**31-модда. Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш чоғида тугатиш комиссияларининг ишида иштирок этишга ҳақли.

**32-модда. Ахборот олишга бўлган ҳуқуқ**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

**33-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат дастурларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш;

лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш объектларида меҳнат шароитларининг хавфсизлиги экспертизасида, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг хавфсизлиги экспертизасида иштирок этиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синовлардан ўтказиш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида мустақил экспертлар сифатида иштирок этиш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат этиш;

ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари камситилган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**34-модда. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлар**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

**35-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари қонун ҳужжатларида ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ҳамда бошқа хизматларни ташкил этиши, шунингдек, шартнома асосида тегишли мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи талаблар бўйича даъволар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш чоғида судларда давлат божини тўлашдан озод этилади.

**36-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда ва уларнинг ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган халқаро шартномаларини тузишда ҳамда уларнинг ижросини мониторинг қилишда иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари тегишли давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш берувчиларнинг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ижро этилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

## 7-БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**37-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти**

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш берувчиларнинг:

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашга;

жамоа шартномалари ва келишувларини бажаришга, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳамда дастурларни рўёбга чиқаришга доир фаолияти жамоатчилик назорати объектидир.

**38-модда. Мурожаатлар ва сўровлар**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига, иш берувчиларга, уларнинг бирлашмаларига (иттифоқларига, уюшмаларига) аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари олинган ахборотни давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг), ташкилотлар коллегиал бошқарув органларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маълумотномаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни давлат органларидан сўраб олишга, шунингдек, сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини бериши шарт бўлган ташкилотлардан сўраб олишга ҳақли.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ахборотга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот қонунда белгиланган тартибда шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

**39-модда. Давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, мазкур органлар ўз очиқ ҳайъат мажлисларида уларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда касаба уюшмаларининг энг оммавий бирлашмаси вакили таклиф этилади.

**40-модда. Жамоатчилик муҳокамаси**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари) қарорлари лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиши мумкин.

**41-модда. Жамоатчилик эшитуви**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бажариш бўйича давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш берувчиларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувларини ўтказиши мумкин.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бажариш бўйича иш берувчиларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувларини ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитувлари давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг), фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ва касаба уюшмаларининг аъзолари иштирокида ўтказилиши мумкин.

**42-модда. Жамоатчилик мониторинги**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари ижросининг жамоатчилик мониторингини ўтказиши мумкин.

**43-модда. Жамоатчилик экспертизаси**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) қарорлари лойиҳаларини, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши мумкин.

Касаба уюшмаси, касаба уюшмаларининг бирлашмаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасининг мазмунидан умуман ёки унинг бирор-бир қисмидан норози бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилувчи органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялари ва ёзма сўровлари кўриб чиқилиши шарт бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги асосли хулосалар кейинчалик касаба уюшмасига, касаба уюшмаларининг бирлашмасига юборилади.

Иш берувчиларнинг қарорлари, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси касаба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**44-модда. Касаба уюшмаларининг инспекцияларини тузиш**

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ва бўлинмаларининг тузилмасида касаба уюшмаларининг тегишли инспекторлари фаолият кўрсатадиган инспекциялар (бундан буён матнда касаба уюшмаларининг инспекциялари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг инспекцияси тўғрисидаги низом тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

**45-модда. Касаба уюшмаларининг инспекторлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Касаба уюшмаларининг инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида:

давлат органларидан, ташкилотлардан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан, уларнинг бирлашмаларидан (иттифоқларидан, уюшмаларидан) ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни, статистик маълумотларни ҳамда бошқа ахборотни сўраш ва бепул олиш;

судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан вакиллар сифатида иштирок этиш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, касаба уюшмаси аъзоларининг мурожаатлари асосида ташкилотларга, иш жойларига бориш;

ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлигини ҳамда касб касалликларини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари:

қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслиги;

ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида танишиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслиги, шу жумладан лавозимидан кетганидан кейин ҳам ошкор этмаслиги;

тегишли касаба уюшмаси органига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг бузилишларини аниқлаганда, шунингдек, мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда ахборотни тақдим этиши шарт.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари томонидан тақдим этиладиган ахборот тегишли касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари томонидан умумлаштирилади ва уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда ҳар йили, келгуси йилнинг 1 майидан кечиктирмай эълон қилиниши лозим.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**46-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари**

Жамоатчилик назоратининг натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома, кўрсатма, тақдимнома шаклидаги ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклдаги якуний ҳужжат тайёрланади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсиялар ва таклифлар давлат органлари ҳамда иш берувчилар томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Давлат органлари ва иш берувчилар кўриб чиқиш натижалари ҳақида тегишли касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини хабардор қилади.

Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жамоа шартномасининг, келишувининг шартлари бузилган тақдирда, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари уларга бу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборишга ҳақли бўлиб, тақдимнома бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Бу қоидабузарликларни бартараф этиш рад қилинган ёки белгиланган муддатда келишувга эришилмаган тақдирда, келишмовчиликлар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари материалларни Давлат меҳнат инспекциясига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақли.

## 8-БОБ. МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

**47-модда. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ва унинг асосий принциплари**

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик – касаба уюшмалари (касаба уюшмаларининг бирлашмалари) тимсолида ходимлар, иш берувчилар (иш берувчиларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасида ходимларнинг, иш берувчиларнинг ва давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича манфаатларини келишиб олишни таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорликдир.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик тенг ҳуқуқлилик, вакилларнинг ваколатлилиги, тарафларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги принциплари асосида қурилади.

**48-модда. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тарафлари**

Қуйидагилар меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тарафларидир:

касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари тимсолида ходимлар;

иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари);

давлат органлари.

**49-модда. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар**

Меҳнат муносабатлари тартибга солинишини таъминлаш, жамоа музокараларини, маслаҳатлашувларини олиб бориш, жамоа шартномаларининг ва келишувларининг лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тузиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан тенг ҳуқуқлилик асосида назоратни ташкил этиш учун тарафларнинг қарорига биноан зарур ваколатлар берилган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилади.

Республика даражасида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия тузилади. Касаба уюшмалари республика бирлашмаларининг, иш берувчилар республика бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, манфаатдор вазирликларнинг, давлат қўмиталари ва идораларнинг вакиллари комиссия аъзолари ҳисобланади.

Тармоқ даражасида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилади. Касаба уюшмалари тармоқ бирлашмаларининг, иш берувчилар тармоқ бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) вакиллари, тарафларнинг таклифи бўйича эса – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳамда бошқа манфаатдор вазирликларнинг, давлат қўмиталари ва идораларнинг вакиллари ҳам комиссиялар аъзолари ҳисобланади.

Ҳудудий даражада доимий асосда фаолият кўрсатувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тузилади. Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларининг, иш берувчилар ҳудудий бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) вакиллари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа манфаатдор давлат органларининг вакиллари комиссиялар аъзолари ҳисобланади.

Ташкилотлар даражасида жамоа музокараларини олиб бориш учун бошланғич касаба уюшмалари ташкилотининг вакилларидан ва иш берувчининг вакилларидан иборат икки томонлама комиссиялар тузилади.

**50-модда. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик шакллари**

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ижтимоий шерикликни қуйидаги шаклда амалга ошириши мумкин:

жамоа шартномалари, келишувлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни тузиш, шунингдек, жамоа шартномаларига, келишувларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича жамоа музокаралари ўтказиш;

жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ташкилотларнинг локал ҳужжатлари лойиҳаларини келишиб олиш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тарафларнинг ўзаро маслаҳатлашувлари;

ташкилотларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат органлари ҳузуридаги тегишли жамоатчилик кенгашларида иштирок этиш.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ижтимоий шерикликда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам иштирок этишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ижтимоий шериклик доирасида ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиш ташаббуси билан чиқиши, уларни ташкил этиши, шунингдек, уларда иштирок этиши мумкин.

## 9-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**51-модда. Низоларни ҳал этиш**

Касаба уюшмаларининг фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**52-модда. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**53-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги 638–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 344-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 639–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 345-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 320–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) **I бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 28 ноябрда қабул қилинган **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–413-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 11, 354-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган **«Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **6-моддаси**.

**54-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**55-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**56-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 декабрь
№ ЎРҚ – 588

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

◂1

Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислоҳотларимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Натижада бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп фойда олинди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, айниқса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер моделини ва кооперация тизимини тўлиқ яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Жорий мавсумда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган, Тошкент, Бухоро вилоятларида эришилган юксак марралар бу тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда.

Шунингдек, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Тошлоқ, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Хива, Хонқа, Янгибозор, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Қоракўл, Олот, Вобкент, Дўстлик, Нарпай каби ўнлаб туманларда ушбу тизим асосида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ – 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз.

Биринчи марта бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилгани ўзининг улкан ижобий самарасини берди. Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик гектарига 65-67 центнерга етгани ана шундай янгича ёндашувнинг маҳсули бўлди.

Энг муҳими, 3 миллион 800 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилгани ушбу мавсумнинг асосий натижаси, десак, тўғри бўлади.

Сўнгги йилларда мева-сабзавотчиликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Бу йил 1,3 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 1,5 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилингани, ҳеч шубҳасиз, тармоқ ривожида салмоқли ўрин тутади.

Деҳқон ва фермерларимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган масала – бу етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини нобуд ва исроф бўлишига йўл қўймасдан, сифатли қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш билан боғлиқ.

Жорий йилда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, 1 триллион 37 миллиард сўм инвестиция маблағлари жалб этилди. Бунинг ҳисобига 254 минг тонна қувватга эга бўлган 180 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва логистика марказлари барпо этилди. Бу орқали 54 минг қўшимча иш ўрни яратилди.

Ҳозирги вақтда юртимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг 3,5 миллион тоннаси қайта ишланиб, 350 миллион долларлик тайёр маҳсулот четга сотилмоқда.

Биз келгуси йилда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини 2,5 миллиард долларга, яқин уч йилда эса 5 миллиард долларга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун Испания, Нидерландия, Польша, Греция, Туркия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Вьетнам, Индонезия каби давлатларнинг энг илғор тажрибалари кенг қўлланилмоқда.

Қимматбаҳо хомашё бўлган ипак етиштиришнинг янгича тизими йўлга қўйилиши натижасида бу йил биринчи марта пилладан йилига тўрт марта ҳосил олишга эришдик. Эндиги вазифа – бу муваффақиятли тажрибани кенг қўллашдан иборат.

Кейинги йилларда чорвачиликни ислоҳ қилиш, жумладан, соҳанинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу тариқа республика, вилоят, туман ва фермер хўжаликлари бўйича чорвачилик соҳасида вертикал бошқарув тизими яратилди.

Республикамизда сут ва гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган мингдан зиёд йирик чорвачилик комплекслари ишга туширилди. Якунланаётган йилда эса бу йўналишда 1,2 триллион сўмлик 600 та лойиҳа амалга оширилди. Чорвачиликни ривожлантириш учун қулай бўлган Оҳангарон, Тахтакўпир, Қўнғирот, Бўзатов, Мўйноқ туманлари шу соҳага ихтисослаштирилди ва кластер усулида ривожланиши йўлга қўйилди.

Охирги 20 йилда эътибордан анча четда қолиб кетган балиқчилик тармоғига алоҳида эътибор қаратишимиз натижасида бу йил 580 минг гектар табиий ва 28 минг гектар сунъий кўлларда 200 минг тонна балиқ етиштирилди.

Яна бир устувор йўналиш – асаларичиликни ривожлантириш мақсадида тузилган Ўзбекистон асаларичилар уюшмасига 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлиб кирди ва жорий йилда 19 минг тонна асал етиштирилди.

Ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланаётгани деҳқон ва фермерларимиз учун катта мадад бўлиб, экинлардан мўл ҳосил олиш имконини бермоқда.

Экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида бу йил давлат бюджетидан 1 триллион 328 миллиард сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,8 марта, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 645 миллиард сўм ёки 1,2 баробар кўп маблағ ажратилди. Бундан ташқари, йил охиригача халқаро молия институтларининг 126,8 миллион доллар ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 3 баробардан зиёд кредитлари ўзлаштирилади.

Жонажон Ўзбекистонимизни тараққиётнинг янги босқичига кўтариш вазифаси ва жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани аграр соҳани тубдан ислоҳ қилишни, унга бозор механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор технологияларни, инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу йил қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепцияси ва соҳани келгуси 10 йилликда ривожлантириш бўйича Стратегияни қабул қилдик.

Қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирганда, сиз, миришкор фермер ва деҳқонлар, соҳа ходимларининг сидқидил ва фидокорона меҳнатингизни, бутун умрини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган минглаб азиз ватандошларимизнинг номларини фахр ила тилга оламиз.

Шу ўринда 11 мингдан зиёд фермер хўжалиги 30 ёшгача бўлган ёшлар томонидан бошқарилаётгани, 5 минг 600 та фермер хўжаликларига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилаётганини таъкидлашни истардим. Бу бизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан бойлигимиз, олтин фондимиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгусида соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулот етиштириш турлари ва экспорт ҳажмлари ортишини таъминлаш устувор мақсадларимиз бўлиб қолаверади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, соҳани зарур техникалар билан таъминлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш, илғор билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолиятини такомиллаштиришга эътиборни янада кучайтирамиз.

Мавсум охирлаб, йил якунлари сарҳисоб қилинаётган мана шу айёмда сизларга, барча қишлоқ аҳлига олижаноб меҳнатингиз учун яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳаёт синовларида тобланган, мард ва матонатли фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалик ходимлари бундан буён ҳам халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифани адо этишда бутун куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этадилар, деб ишонаман.

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган азиз ва қадрли юртдошлар!

Сизларни яна бир бор ушбу шукуҳли ва файзли байрам билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли меҳнат фаолиятингизда улкан зафарлар, хонадонларингизга қут-барака ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Муносабат



# «Олам маъмурлиғи алардин...»

***Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг туб мазмун-моҳиятида эл маъмурчилиги ва халқ фаровонлигини ошириш ётганини яққол кўрамиз. Ва, энг муҳими, деҳқон меҳнати қадрланмоқда. Бунинг ёрқин исботи ўлароқ айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 2017 йилда биринчи марта Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни таъсис этилиб, мана уч йилдирки, кенг нишонланмоқда.***

Деҳқончилик доимо касбларнинг улуғи бўлиб келган. Деҳқоннинг хизматидан баҳраманд бўлмаган, машаққатли ва ҳалол меҳнатини эътироф этмаган киши йўқ. Деҳқоннинг чеккан заҳматини шарафлаш ва қадрлаш заруратини Навоий ҳазратлари шундай уқтиради: «Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат. Деҳқонки, тузлик била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар...»

Эътибор қилган бўлсангиз, Навоий деҳқоннинг ерга уруғ қадашидан то ҳосил йиғиб олингунга қадар бўлган машаққатли меҳнатини шундоқ кўз олдингизда жонлантира олган.

Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг туб мазмун-моҳиятида эл маъмурчилиги ва халқ фаровонлигини ошириш ётганини яққол кўрамиз. Ва, энг муҳими, деҳқон меҳнати қадрланмоқда. Бунинг ёрқин исботи ўлароқ айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 2017 йилда биринчи марта **Қишлоқ хўжалиги ходимлари** куни таъсис этилиб, мана уч йилдирки, кенг нишонланмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табриги барча-барчанинг қалбига олам-олам қувонч олиб кирди, кўнглини тоғ қадар кўтарди.

## ЮТУҚЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Давлатимиз раҳбарининг табригини ўқир экансиз, унда деҳқон меҳнати улуғланганини кўрасиз. Шу билан бирга, эришилган ютуқлардан фахрланасиз. Дарҳақиқат, кейинги уч йилда соҳага қаратилган алоҳида эътибор ўз самарасини бермоқда. Биргина жорий йилда қишлоқ хўжалиги ходимлари 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум етиштиргани ҳам буни исботлаб турибди.

Муҳими шундаки, қишлоқ хўжалиги агросаноат шаклига ўтиб, ишлаб чиқариш жараёни «хомашёдан тайёр маҳсулотгача» тамойилига ўзгармоқда.

Аграр соҳанинг барча тармоқларини ривожлантириш мақсадида тизимли ва ўзига хос услубларда бажарилаётгани натижасида унга кўплаб янги ва истиқболли йўналишлар кириб келмоқда. Ко-вул етиштириш, кавракдан даромад олиш каби янги тармоқлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, асаларичилик, боғдорчилик, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик тармоқлари ҳам инновацион усулда жадал ривожлантирилмоқда.

## ҚАДРЛАНАЁТГАН МЕҲНАТ

Аслида эришилаётган натижаларнинг барчаси қадрланган меҳнат маҳсулидир. Кейинги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жадал ислоҳотлар даври кечмоқда. Уларнинг туб моҳиятида эса, бир вақтлардагидек, фақат давлат манфаатлари эмас, балки инсон манфаатлари устуворлигини барчамиз яққол кўриб турибмиз. Биргина мисол: кейинги уч йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун давлат харидлари 3 бароборга кўпайтирилган.

Гапимизнинг исботи пахтачиликдаги яккаҳокимликка барҳам берилишда ҳам ўз аксини топган. Биз узоқ йиллар шўро мафкураси онгимизга қўйган «оқ олтин» ғоясидан воз кечолмадик. Очиғи, мажбурий меҳнатга асосланган бу пуч «ғоя» бизни дунёга шарманда қилиб келди. Тўғри, пахта – бойлик. Фақат пахтадан тайёрланган маҳсулотларни ўзимиз ишлаб чиқарсакгина, ҳақиқий бойликка эришамиз. Афсуски, биз фақат хомашёга асосланган иқтисодиёт билан нафақат деҳқонни, балки муаллим-у, ўқувчиларни, шифокорлар-у талабаларни,- қўйингки, барча юртдошларимизни қийнаб қўйдик. Улар пахта деганда, кўз олдига машаққатли меҳнатни келтирадиган бўлишди.

Аммо давр ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси билан мажбурий меҳнатнинг барча кўринишларига тўлиқ барҳам бериш борасидаги тизимли ишлар ўз самарасини берди. Юртимизда болалар меҳнатига барҳам берилди, мажбурий меҳнатни йўқ қилишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Бу жараёнда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва унинг туман, шаҳар кенгашлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жорий йилнинг 9 сентябрдаги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини ташкил қилишга оид қарорига асосан ҳудудларда мониторинг ўтказилиб, бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Мавсум давомида асосан 3 та муҳим йўналишга эътибор қаратилди.

Биринчиси, теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар. Иккинчиси, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида Миллий мониторинг ўтказиш. Учинчидан эса пахта мавсумида касаба уюшмалари Федерацияси ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларидаги юридик клиника ҳамда қайта алоқа механизми фаолиятининг тун-у кун узлуксиз режимда ишлаши йўлга қўйилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг вакиллари охирги йилларда терим пулларининг сезиларли даражада оширилиши, Ўзбекистонда маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятига рухсат берилиши ижобий натижалар бераётганини алоҳида таъкидлашди. Бундан ташқари, миллий мониторингда иштирок этиш учун бу йил чет эл касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларининг таклиф қилингани ва Федерация тизимидаги «Қайта алоқа механизми» фаолияти намунали йўлга қўйилгани ижобий баҳоланди.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги бош маслаҳатчисининг сўзларидан иқтибос келтирамиз:

«Мажбурий меҳнатга келсак, ўрганишларимиз натижасида маълум бўлдики, охирги 3 йилда теримчиларга тўланадиган иш ҳақи 3 баробардан кўпроққа оширилган. Қолаверса, мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жарима миқдори бу йил 10 бароборга оширилди. Бу бўйича тез орада жиноий жавобгарлик ҳам киритилиши кутилмоқда.

Шунингдек, журналистлар мажбурий меҳнат ҳолатлари ҳақида эркин ахборот беришмоқда – уларга бу каби муаммоларни ёритишда эркинлик берилган. Ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик



жамияти фаолларига нисбатан муносабати ўзгарган.

Бу чораларнинг самараси шу бўлдики, 2019 йилда теримчиларнинг 93 фоизи ўз хоҳиши билан пахта теришга чиқди. Мамлакатда тизимли мажбурий меҳнат энди йўқ».

Бу эътироф ҳам қадрланаётган меҳнатнинг бир кўриниши.

## ФАРОВОНЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Дунё миқёсида аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, саноатнинг ривожланиши каби омиллар боис, озиқ-овқатга талаб ошиб бораётир. Бу ўз навбатида, соҳани инновацион ривожлантириш, илғор технологияларни амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси бу жараёнда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда озиқ овқат хавфсизлиги ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорларга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат тармоғини ривожлантириш стратегиясининг узоқ муддатли мақсади бўлиб ҳисобланади.

Стратегияда тўққизта йўналиш бўйича асосий ислоҳотларни амалга ошириш механизми ва «Йўл харитаси» белгиланган.

Хусусан, Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш. Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш. Тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини диферсификация қилиш. Қишлоқ хўжалиги илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш. Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш. Тармоқ статистикаси ва маълумотлар йиғишнинг шаффоф тизимларини ишлаб чиқиш.

Мазкур вазифалардан кўриниб турибдики, бу ҳужжат ҳақиқий маънода фаровонлик дастури бўлиб хизмат қилажак.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилаётган инновацион ғояларни бугун нафақат халқимиз, балки дунё афкор оммаси буюк ислоҳотчи сифатида баҳоламоқда.

Буни биргина иқтисодиётимизга кириб келган «кластер иқтисодиёти» атамасида ҳам кўриш мумкин. Айни вақтда кластер йўналиши иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун истиқболли эканини намоён этмоқда.

Кластерда хомашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Оддий қилиб айтганда, инновацион кластер, бу – бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш, чигит экиш, пахтани парваришлаш, ҳосилини йиғиб-териб олиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналарни бирлаштирувчи ишлаб чиқариш услубидир. Пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Кластерда ҳамма ишчи-ходимларнинг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хомашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўлади. Чунки шунга яраша охирги товарни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга боғлиқ барча ишчи-ходимларга тақсимланади. Бундай рағбат уларни номигагина эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Ҳаёт ҳақиқати шуки, агар охирги маҳсулот олувчилар билан ерга ишлов берувчилар манфаатлари бир-бирига боғланмас экан, бундан нафақат деҳқон ёки инвестор, балки давлат ҳам ютқазади.

Кейинги уч йилда янги технология ва инновацияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида 76 та пахта тўқимачилик ва 47 та мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этилди. Биргина пахтачиликда ҳосилнинг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, кластерларда ҳосилни йиғиб олиш ва қайта ишлашда юқори натижаларга эришилаётгани унинг нақадар тўғри йўл эканини кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу билан соҳага янги технология ва инновацияларни жалб қилиш, самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда давлат ролини камайтиришга эришилмоқда. Келгуси йилларда пахтачилик тармоғи тўлиқ кластерлар тизимига ўтиши эса соҳанинг оғриқли муаммолларига барҳам берилишида муҳим аҳамият касб этади.

Кластерлар ҳақида сўз юритганда, ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги хайрли ишларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Фаолиятимиз давомида Бухоро ва Тошкент вилоятидаги кластер корхоналарида яратилган шароитлар билан танишар эканмиз, бунга сидқидилдан амин бўлдик. Ва, англаб етдикки, кластер иқтисодиётнинг олтин ҳалқаларидир. Бу занжирда тараққиёт айланади.

* * *

Мухтасар айтганда, деҳқон меҳнатига қаратилаётган эътибор самарасини ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз. Сўзимизни Ҳазрат Навоийдан иштибоҳ келтиришдан бошлаган эдик. Якунида ҳам улуғ зотга мурожаат этамиз. Навоий деҳқончиликнинг тарихи билан боғлиқ ибратли мулоҳазаларини назмий йўсинда ифода эта туриб, энг қадимий касб зироатчилик эканини, у Одам алайҳиссаломнинг касб-кори билан боғланганини шундай келтиради.

*Кимки деҳқонлик айлади пеша,*
*Дағи нон бермак ўлди анга шиор.*
*Бўйла кимса улувви рифъатдин,*
*Одам ўлмаса, одамий худ бор.*

Ҳа, деҳқоннинг иши шундай шарафли. Бугун эса деҳқон қалби шодликка, қувончга тўлган кун. Демак, элнинг улуғ байрами, юртнинг шодиёна куни. Байрамингиз муборак бўлсин!

**Ғулом САФАРОВ,**
Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

# Ижтимоий ҳимоя кафолати

**Бош қонунимиз мазмун-моҳиятини халқимиз онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлашни янада кучайтириш борасида касаба уюшмалари тизимида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Хусусан, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда иш берувчилар вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирокида ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан давра суҳбатлари ҳамда ўқув-семинарлари ташкил этмоқда.

Байрам арафасида тармоқ тизимидаги «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ, «Фарғонаазот», «Навоийазот», «Биокимё», «Қўқонспирт», «Андижон биокимё заводи», «Самарқандкимё», «Аммофос-Максам», «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятларида, Тошкент кимё-технологиялари институти, Қўнғирот ва Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежларида «Конституция – ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида давра суҳбатлари, «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида билимдонлар беллашуви, «Конституция – менинг нигоҳимда» мавзусида фотокўргазмалар, адабий-маърифий кечалар ўтказилиб, уларга ҳуқуқшунослар ва олимлар таклиф этилди.

– Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, фаол меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиш Конституциямизнинг асосий моҳиятини ташкил этади, – дейди Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова. – Унда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, дам олиши, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши каби бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган. Бу тамойиллар тармоқ корхона ташкилотлари фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Конституцияга бағишланган семинарлар давомида хотин-қизларни ҳимоялаш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатларида жорий йилда янги қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар бўйича алоҳида музокаралар бўлиб ўтди.



**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
«Ishonch»

---

*Хоразм вилояти* | Кўрик-танлов



## Ёш бўлса-да, жамоага бош

«Энг масъулиятли ёш иш берувчи» республика танловининг таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизими бўйича Хоразм вилояти босқичи ғолиблари аниқланди.

Танловнинг қуйи босқичида 35 ёшгача бўлган 33 нафар ёш иш берувчининг 11 нафари шаҳар-туман босқичлари ғолиби деб топилди.

– Қатнашчиларни баҳолашда уларнинг билими, касаба уюшмалари фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатиши, сўнгги икки йилда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлашга қаратилган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳамкорликнинг аҳволи, қонунчиликда кўзда тутилган кафолатларни таъминлаш даражаси, жамоанинг ютуқлари каби қатор йўналишлардаги фаолиятига эътибор қаратилди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова.

Танлов натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган Қўшкўпир туманидаги 21-умумтаълим мактаби директори Валижон Раҳимовнинг номзоди республика босқичига тақдим қилинди.

Ғолиб ва иштирокчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«ISHONCH»

---

*Наманган вилояти*

**Норинлик Шерали Тўлашев «Ёшлар имконияти» фермер хўжалигида ишчи бўлган ва беш ойдан буён иш ҳақини ололмаган. Унинг Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қилган мурожаати ижобий ҳал қилиниб, иш берувчидан унга меҳнат ҳақи тўлиқ ундириб берилди.**

## «ҲАҚИМНИ БЕРИНГ...»

*Ёхуд меҳнат ҳуқуқи бузилиши сабаблари нимада?*



– Аксарият мурожаат ва аризалар иш берувчидан ойлик маошини ўз вақтида ололмай юрган ҳамда ноқонуний равишда ишдан бўшатилган ишчи-ходимлардан келиб тушмоқда, – дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлими мудири Баҳром Раҳимбердиев. – Жойларга чиқиб, мурожаатлар ўрганилганда иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 154-, 161-моддалари талаблари ҳамда «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда кўзда тутилган талаблар қўпол равишда бузилгани аниқланиб, бундай ҳолатларни бартараф этиш лозимлиги тушунтирилади.

Бирлашмага Уйчи туманида яшовчи Гулбаҳор Бобомирзаевадан келиб тушган аризада эса шундай жумлалар бор:

«Мен тумандаги «Мега Текс» МЧЖда ишлаган давримдаги ойлик маошимни ҳалигача ололмаяпман. Электр ва сувдан анчагина қарздорман. Иш ҳақимни олсам, қарзларимни тўлар эдим. Ишхонага бориб, ҳар куни бошлиқларнинг ёлғон ваъдаларини эшитиб қайтяпман. Уларнинг иш ҳақимни бериш нияти йўқ...»

– Ушбу аризани ўрганганимизда ҳақиқатан иш берувчи, яъни «Мега Текс» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари молиявий қийинчиликларни рўкач қилиб, корхонада ишлаган Г.Бобомирзаевага иш ҳақини бермай, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани аниқланди ва аризачи фойдасига иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди, – дейди Баҳром Раҳимбердиев.

Наманган шаҳрида яшовчи Т.Йўлдошевдан келиб тушган мурожаат аризаси ҳам айнан иш ҳақи масаласида экан. У аризада вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасида ишлаган даври учун ташкилотдан меҳнат ҳақини ундира олмаётганини кўрсатган. Мазкур ҳолат юзасидан иш берувчи билан суҳбатлашилганда у корхонанинг ҳозирги ҳолатда иш ҳақидан қарздорлиги кўплиги ва ҳисоб рақамида етарлича маблағи йўқлигини маълум қилган. Бирлашма кенгаши аралашуви билан аризачининг меҳнат ҳақи иш берувчидан ундириб берилган.

«Наманган финанс текстиль» қўшма корхонасининг Учқўрғон пахта заводи филиалида ички назорат ва ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келган Баҳодир Холматовнинг ноқонуний равишда ишдан бўшатилгани тўғрисидаги бирлашмага қилган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилган. Иш Учқўрғон туманлараро судида кўриб чиқилиб, ходимнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинган. Баҳодир Холматов қайта ишга тикланган ҳамда мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳам ундириб берилган.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»

*«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.»*



**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,**
37-модда

---

*Тошкент шаҳри* | Анжуман

## Ҳуқуқимиз пойдевори

**Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Олимпия шон-шуҳрати музейида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан «Конституция – ҳуқуқимиз пойдевори» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.**



Унда Тошкент шаҳар халқ таълими ва мактабгача таълим бошқармалари ходимлари, ўқитувчилар, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, Асосий қонунимиз юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ҳамда модернизация қилиш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ва мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётир.

– Конституция – фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолот манбаи ҳисобланади, – дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Эшмуҳаммад Қодиров. – Зеро, унинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга экани кафолатланган.

Анжуман давомида Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи Жанна Пак соҳада амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги муҳим вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбир Ватан, дўстлик, бирдамликни мадҳ этувчи шеър ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Якунда ташриф буюрган меҳмонларга касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«Ishonch»

---

«Маънавият соати»

## Қонун ва ёшлар



Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши шаҳар мактабларида фаолият юритаётган ёш педагоглар иштирокида маънавият соати ўтказди. Тадбирга йил давомида касаба уюшмалари томонидан ўтказилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари ҳам таклиф этилди.

Тадбирда асосий қонунимизда давлат ва жамият манфаатлари, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ифодалангани эътироф этилди. Иштирокчилар ўз конституцион ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этиб, мамлакат келажаги учун овоз беришларини билдирдилар.

Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Урганч шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

**Сафаргул БЕРДИЕВА,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

---

*Қашқадарё вилояти* | Тадбир

## Китоб ярмаркаси

Конституция байрами муносабати билан «Муборак иссиқлик электр маркази» АЖда корхона касаба уюшма қўмитаси, туман маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамда «Қарши китоблар дунёси» МЧЖ билан ҳамкорликда китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Унда корхона ишчи-хизматчилари ўзларини қизиқтирган жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарларини харид қилишди. Бундан ташқари, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси «Муборак иссиқлик маркази» АЖ кутубхонасига китоблар жамланмасини совға қилди.

**Тошболта АВАЗОВ,**
«Муборак иссиқлик электр маркази» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

---

*Сурхондарё вилояти* | Мурувват

## Эзгулик

Халқаро ногиронлар куни ва «Меҳр-мурувват ойлиги»да Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бирлашма раиси Абдукарим Аҳмедов тоғли Бойсун туманидаги «Обикор» маҳалласида яшовчи Бўри Менгнаровнинг хонадонида бўлиб, унинг 1-гуруҳ ногирон фарзанди Шерзод Бойқобиловга совға-салом ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

– Ўғлим Шерзоднинг ҳолидан хабар олишганидан бошимиз осмонга етди. Фарзандим каби юзлаб ногиронларнинг ҳолидан хабар олаётган касаба уюшма фаолларидан миннатдормиз, – дейди Бўри Менгнаров.

Бу каби эзгу ишлар касаба уюшмаларининг барча туман қўмиталари ҳамда бошланғич ташкилотларида ҳам давом этмоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«ISHONCH»

---

## Конституцияни ўрганаётган ўқувчилар

**Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим мактабда Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлаб ижодий ишлар кўрик-танлови ўтказилди.**

Тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги умумтаълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари иштирок этди. «Конституциямиз – эркинлигимиз кафолати» мавзусида 5-7-синф ўқувчилари ижодий баён, 8-11-синф ўқувчилари иншо, «Конституция менинг тақдиримда» мавзуси бўйича 5-6-синф ўқувчилари диктант, 7-8-синф ўқувчилари ижодий баён, 9-11-синфлар иншо ёзишди. Ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларни холисона баҳолаб, кўрик-танлов ғолибларига фахрий ёрлиқлар топширди.

**Заҳира УСПАНҚУЛОВА,**
Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактаб ўқитувчиси



# ФАОЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Қашқадарё вилояти*

## Аъзолар манфаати устувор

**Қарши туманидаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида 93 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатяпти. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши тумани кенгаши аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.**

Хусусан, жорий йилда 252 нафар ўқитувчи ва тарбиячига 444 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Спорт – саломатлик гарови» шиори асосида йил давомида спартакиадалар ўтказилиб, уларда барча мактаблар ўқувчи ва ўқитувчилари фаол қатнашди. Мактаблараро футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақаси бўлиб ўтди. Мусиқа ва санъат бўйича ҳам танловлар уюштирилди. Айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик, шеърхонлик, ғазалхонлик тадбирлари ўтказилиши натижасида тумандаги ўқувчиларнинг китобхонликка бўлган қизиқиши янада ортди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишларини намунали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 166 нафар касаба уюшма ходими ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғликларини тиклаб қайтди. 220 нафар ўқувчи Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларидаги сўлим оромгоҳларда бўлди. «Саёҳат – танга роҳат» шиори остида 250 нафар ишчи-ходимнинг тарихий ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Маънавият соатлари, ўқув-семинарларни мазмунли ва мароқли ташкил ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жамоатчилик назорати ва ижтимоий сўровлар ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш, аъзоларнинг ҳаёт даражасига таъсир қиладиган жараёнларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш каби масалалар одатий тадбирларимиздан ўрин олмоқда.

**Умид МУСТАЕВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши тумани кенгаши раиси

*Бухоро вилояти*

## Муҳокамада меҳнат муносабатлари

**Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари фаоллари, турли бошқарма, муассаса ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.**

Тадбирда Бухоро вилояти бандлик бош бошқармаси ва молия бошқармаси мутасаддилари бандликни таъминлаш, бюджет ташкилотларидаги меҳнат жараёнларини молиялаштириш бўйича бажарилаётган ишлар хусусида маълумот беришди.

Давра суҳбатида касаба уюшма фаолларининг меҳнаткашлар билан мулоқотлар чоғида аниқланган бир қанча муаммолар муҳокама қилинди. Иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ходимларнинг махсус иш кийимлари ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ходимларига бериладиган кафолатлар, қолаверса, бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни молиялаштириш шулар жумласидандир.

Барча масалалар ва таклифлар республика давра суҳбатида кўриб чиқиш учун белгилаб олинди.

**Рустам ИБРОҲИМОВ,**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*



## Янги зиё масканлари

Қўқон шаҳридаги «Собир Абдулла» МФЙда янги кутубхона очилди. 2500 дан зиёд бадиий адабиётларни ўз ичига жамлаган масканга Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали раҳбарияти ва маҳалла фахрийлари 200 тадан зиёд китоблар, Қўқон шаҳар ҳокими эса компьютер туҳфа этди. Эндиликда ёшлар янги кутубхонада китоб ўқиш билан бир қаторда ахборот технологиялари соҳасида ҳам ўз кўникмаларини ошириш имконига эга бўлди.

***

Риштон туманининг «Зоҳидон» маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасига асосан янги кутубхона ташкил этилди. Уни ранг-баранг китоблар билан тўлдиришга ҳомийлар ҳам катта ҳисса қўшишди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*

Фидойилар ҳақида ҳикоялар

**Лобархон Рустамовани танийсиз... Шу йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўтказган «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозида» республика танловида 1-ўрин соҳибаси бўлган ҳамда танловнинг асосий мукофоти – «Спарк» автомашинисини қўлга киритган фидойи ўқитувчи. Лобархон опа Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. У бир вақтнинг ўзида мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси ҳамдир.**

## ЛОБАРХОНГА ҳамма ҳавас қилади



Унинг иш жараёни билан яқиндан танишсангиз, шижоатига қойил қоласиз. Жамоанинг ҳар бир аъзосининг оилавий шароитидан бохабарлиги, ташаббускорлигига гувоҳ бўласиз ва беихтиёр «касабақўм киройи шундай бўлса», дея тасанно айтасиз.

Ҳозирда 100 нафардан ошиқ ходим фаолият юритаётган ушбу мактабда жамоа аъзоларининг ташаббуси билан мўъжазгина иссиқхона барпо этилган. Касаба уюшмаси раисининг таъкидлашича, бундан ташқари, мактабга ажратилган ер майдонидан унумли фойдаланилган ҳолда, бодомзор боғ ҳам ташкил этилган. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланаётган жамоа эндиликда бу ерга хурмо кўчатлари ҳам ўтказишни режалаштирган.

– Иссиқхонага ҳам, бодомзор боққа ҳам ҳеч оғринмай ҳамжиҳатликда қараймиз, – дейди Лобархон опа. – Айниқса, ўқитувчилар билан тенгматенг ишлаётган техник ходимларга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Қачонки ишчи-ходим ишлаётган жойида қадр топса, ўша жойга меҳр қўяди. Ходимларимиз мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун аъзолар билан келишган ҳолда сиҳатгоҳларга навбатма-навбат бориб, соғлиқларини тиклаб қайтишади. Фаолиятимиз давомида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берамиз. Ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олишга ҳам доим бош-қошмиз.

Шу ўринда ўқитувчи мақомининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган, устозлар меҳнатини қадрлаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан беҳад миннатдорлигимни айтмоқчи эдим. Эътиборга яраша меҳнат қилишимиз даркор.

— Халқ таълими аълочиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси, жонкуяр касаба уюшмаси раиси Лобархон Рустамованинг ишлари барчамизга ибрат намунасидир, – дейди мактаб директори Матлуба Раҳмонова. – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич касаба уюшма қўмитамизга «Ибрат намунаси даражасидаги таянч бошланғич касаба уюшма ташкилоти» деган юксак номдаги диплом ҳам бежизга берилмади. Ҳақиқатан ҳам бошланғич касаба уюшмамиз ишлари кўпчиликка ўрнак бўлгулик.

– Мактаб ўқитувчининг иккинчи уйи, – дейди Лобархон опа. – Шундай вақтлар бўладики, айрим ўқитувчилар бемор чоғида ҳам, ўқувчилар дарслардан қолиб кетмасин, дея ишга келишади. Мана шундай пайтда иш жойимизнинг ўзида шифокорлар қабулига эҳтиёж сезамиз. Бугунги кунда мактабимизга ҳафтада икки марта бўлса-да шифокор келиб, ўқитувчиларимизни тиббий текширувдан ўтказиб, уларнинг соғлиқларини назорат қилишни йўлга қўйдик.

Келгусида касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини кўзлаб, туманнинг ўзида аёллар ва болалар профилакторийсини ташкил этишни мақсад қилган Лобархон опага ушбу эзгу ишларида ҳам омад тиладик.



**Орзугул РУСТАМОВА,**
«Ishonch»

*Навоий вилояти*

### Касаба уюшмаси кўмагида

**Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний ва юридик шахслардан 412 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 43 таси бевосита таълим, фан ва маданият соҳасидаги муаммолар билан боғлиқ. Қолганлари кимё ва фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, давлат муассасалари, транспорт ва қурилиш индустрияси ҳамда бошқа ташкилотлардаги меҳнат интизомларининг бузилишига оид масалалардир. Ушбу мурожаатларнинг ҳеч қайсиси эътибордан четда эмас. Энг муҳими, касаба уюшмалари кўмагида аксарияти ўз ечимини топмоқда.**

## Тикланаётган адолат

Хусусан, «NAVOIY HUNAN PULP» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида йиғувчи-қадоқловчи вазифасида ишлаган Гулзода Юсупова ишдан ноҳақ бўшатилгани сабабли вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза йўллаган эди. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судига мурожаат қилинди. Суднинг ажримига биноан фуқаро Гулзода Юсупова ўз ишига қайта тикланди. Бекор юрган кунлари учун 1 604 708 сўм иш ҳақи ҳамда 650 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Навоий давлат педагогика институтининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедраси ўқитувчиси Нилуфар Неъматова бесабаб ишдан бўшатилгани тўғрисида бирлашмага ариза ёзган эди. Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди қарорига асосан Нилуфар Неъматова ишига қайта тикланди ҳамда бекор юрган кунлари учун 1 006 038 сўм иш ҳақи, 1 700 000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириб берилди.

Бирлашмага Томди тумани Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Собит Рустамов номидан келган шикоят кишида бироз таажжуб уйғотади. Ариза мазмунига келадиган бўлсак, Собит Рустамов 2002 йилдан 2012 йилгача умуман меҳнат таътилига чиқмаган. Шу йиллар давомида меҳнат таътили учун белгиланган конпенсацияларни ҳам олмаган. Нима учун?

Бирлашма аралашуви билан мазкур масала фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суди қарори асосида Собит Рустамовга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 13 миллион 535 минг сўм ундириб берилди. Аммо Собит Рустамовнинг нима учун саккиз йил чидаб, тўққизинчи йил мурожаат қилгани, барибир, ҳар қандай кишида шубҳа уйғотади... Демак, касаба уюшма ташкилотлари олдида ҳали адолат юзасидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар кам эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида фуқаролик ишлари бўйича судларга Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси киритган даъво аризалари ҳамда иш берувчи ташкилотларига жўнатилган тақдимномалар орқали 63 миллион 800 минг сўм миқдоридаги маблағ ўз эгаларига ундириб берилди. Бундан ташқари, бир неча ўнлаб давлат ва хусусий сектор корхоналари раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар қўлланилди.



**Нормурод МУСОМОВ,**
«Ishonch»

*Хоразм вилояти*

Таълим




## Камол эт, касбким...

**Хоразм вилоятидаги етакчи таълим муассасаси бўлган Урганч давлат университетида бугунги кунда замон талаблари асосида малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, 2018-2019 ўқув йилида битта бакалавриат таълим йўналиши ва 5 та янги магистратура мутахассисликлари, шунингдек, 18 та таълим йўналиши бўйича сиртқи таълим йўлга қўйилган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида янги 9 та бакалавриат ва 3 та магистратура йўналиши очилди.**

Жорий ўқув йилида айрим тоифа абитурентлар учун мақсадли қабул параметрлари тасдиқланди. Унга кўра, Урганч давлат университетига 2019-2020 ўқув йилида 70 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар, хизмат даврида ҳалок бўлган ёки касаллиги туфайли ногирон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 8 нафар, шу тоифадаги ички ишлар ходимларининг 21 нафар фарзандлари тавсиянома асосида тест синовларисиз квотадан ташқари давлат гранти асосида қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2018-2019 ўқув йилининг қабулида университетга 1200 нафардан ортиқ хорижий талабалар ўқишга қабул қилиниб, ушбу кўрсаткич бўйича ҳам мазкур даргоҳ етакчилик қилмоқда.

Илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолият бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Испаниянинг Сантьяго де Компостелла университети ҳамкорлигида Эрасмус – олий таълимда салоҳиятни ошириш лойиҳаси асосида 2017-2018 ўқув йилида «математик инжиниринг», 2019-2020 ўқув йилида «компьютер лингвистикаси» магистратура мутахассислиги очилди.

Хорижий ҳамкор университетлардан таклиф қилинган 70 нафарга яқин малакали профессорлар ўтган дарс машғулотлари ёшлар салоҳиятини оширишга хизмат қилди. 2017 йилда университет профессор-ўқитувчилари 8 та халқаро лойиҳаларда иштирок этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 16 тага етди. 20 тага яқин етакчи хорижий университет ва илмий марказлар билан янги ҳамкорлик шартномалари имзоланишига эришилди.

2018-2019 йилларда Урганч давлат университети талаба-ёшлари кўпгина йўналишларда ўзларининг қобилият ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, университет талаба-ёшларидан бир нечтаси Президент, Навоий, Улуғбек, Беруний, Ислом Каримов номидаги давлат стипендиялари соҳиби бўлишди. Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирланганлар борлиги талабаларнинг илмга бўлган иштиёқини оширяпти.

**Жамоа шартномасида назарда тутилган аёллар ва ёшлар учун белгиланган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилган. Ёш боласи бор аёлларга иш жараёнида ҳар 3 соатда ярим соатлик танаффус ёки бир соатга қисқартирилган иш куни ташкил этилган.**

Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Одам савдоси – мудҳиш жиноят» мавзусидаги рефератлар танловида тарих факультети талабаси Ҳабибулла Юнусхўжаев фахрли 2-ўринни эгаллади. Жисмоний маданият факультети талабаси Шарифа Эрназарова Касаба уюшмалари Федерациясининг стипендиясига сазовор бўлди.

Урганч давлат университети касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасида белгиланган бандларни бажариш, аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат соҳасидаги манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, спорт, соғломлаштириш, дам олиш ва маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жамоа шартномасида назарда тутилган аёллар ва ёшлар учун белгиланган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилган. Ёш боласи бор аёлларга иш жараёнида ҳар 3 соатда ярим соатлик танаффус ёки бир соатга қисқартирилган иш куни ташкил этилган.

Университет ходимлари ҳар йили «Ўз касбининг моҳир эгалари», «Энг фаол ёш олим», «Йил ўқитувчиси» ва бошқа кўрик-танловларда фаол қатнашиб келади. Жорий йил «Кимё технологиялари» кафедраси профессори Забибула Бобоев «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика босқичида 2-ўринни қўлга киритган бўлса, «Энг фаол ёш олим» кўрик-танловида «Кимё технологиялари» кафедраси ўқитувчиси Шаҳло Аитова номинация ғолиби бўлди.

Жорий йилда касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан» республика кўрик-танловида Урганч давлат университети «Энг яхши ташкилот» номинациясида I даражали диплом билан тақдирланди.

Мазкур рақам ва далиллар олий ўқув юртимизда сифатли кадрлар тайёрлашга маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси алоҳида эътибор қаратилаётганининг исботидир. Албатта, давр биздан янада салмоқли натижаларни кутмоқда. Шу боис, натижалардан қаноатланмасдан, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қиладиган мутахассислар тайёрлаш борасида янада таъсирчан чоралар кўраяпмиз. Мақсадимиз, олий ўқув юртини тамомлаган ҳар бир ёш ўз танлаган касбининг моҳир эгаси бўлишига эришишдир.



**Олимбой ОТАЖОНОВ,**
Урганч давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси

Андижон вилояти

Оғриқ дилляр...

# Муборак маскандаги «эсдалик»лар

**Яқинда дўстларимиз билан Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги «Фозилмон ота» зиёратгоҳида бўлдик. Маскан нафақат маҳаллий зиёратчилар, балки хорижлик меҳмонлар билан ҳам гавжум... Очиғи, бу ерда зиёратчилар учун яратилган шароит кўнгилдагидек. Бундан қалб ором олади.**




Бироқ, шундай ҳолатларга кўзингиз тушади-ю, дилингиз оғрийди. Зиёратгоҳдаги булоқ бошига катта девор қурилган бўлиб, шу ғишт девор остидан булоқ суви оқиб чиқади. Айрим зиёратчилар булоқ атрофига турли иримлар билан латта ё иплар боғлаб кетишмоқда. Бундай «урф» натижасида шифобахш булоқ турли хил ип-у латталарга тўлиб, хунук манзара касб этган. Ҳар ҳолда бундай манзара «тишимизга ботди».

Бу ҳам етмагандек, булоқ деворига «SH+M=C», «Barno+Muslima=do'st abadiy», «счастье тебе», «...99-83 ало», «Мади+Мучи=дўст», «B+L=sevgi» каби дил изҳорлари ва телефон рақамлари ёзиб кетилган. Деворда ёзилмаган бўш жойни топишнинг ўзи мушкул.

– Бу ҳолат менинг ҳам дилимни ғаш қилмоқда, – дейди девордаги ёзувларни ўчиришга уринаётган зиёратчилардан бири Саъдулла Турсунов. – Буларни ёзганлар қадриятларимизни билишмайди. Тарбияни боланинг ёшлигидан бериш керак. Шундагина биз бундай салбий ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

– Зиёратга келувчиларга булоқ бошига латта боғламаслик, деворга ёзмаслик ва ҳудудни ифлос қилмасликни, бу ерга улардан бошқалар, ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам келишини тушунтирамиз. Аммо ёши катталар ўзи бошқаларга ўрнак бўлиш ўрнига биринчи бўлиб булоқ бошига латта боғлашади. Аксарият мактаб ўқувчилари булоқ деворига севги изҳорлари, қачон ва қаердан келишганини ёзиб кетишади. Биз уларга қанча насиҳат қилмайлик, фойдаси бўлмаяпти. Баъзида шу хунук манзаралар сабаб хорижлик сайёҳлар олдида уялиб қоляпмиз, – дейди зиёратгоҳ ишчиларидан бири Хурсаной Тожиева.




Агар юртимиздаги муборак қадамжолар ва дам олиш масканларига нафақат юртдошларимиз, балки хориждан ҳам зиёратчилар, саёҳатчилар келишини ҳисобга олсак, бундай хунук манзаралар уларнинг ҳам назаридан четда қолмаслиги табиий, албатта. Шундай экан, она Ватанимиз кўрки бўлган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга ўзимиздан «эсдалик» қолдириш эмас, уларни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз лозим.



*«Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир».*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси**



**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch»**

Жиззах вилояти

Қонун устуворлиги

# Қимматга тушган ов

**Зафарободлик Акром Баҳромов бир жойда ҳеч қачон муқим ишламаган. Шу боис, илгари ҳам жиноятга қўл урган эди. Баҳор фасли якунланаётганда у мўмай пул топишнинг гўёки осон усулини ўйлаб топди. Укаси Ҳусан ва қишлоқдоши Муродни Айдаркўлдан ноқонуний балиқ овлашга кўндирди.**



Улар бу пайтда балиқ овлаш мавсуми эмаслигини била туриб, ноқонуний равишда 41 дона зоғора, 45 дона дўнгпешона, 6 дона товонбалиқ балиқларини овлаб, уларни Жиззах шаҳрида яшовчи фуқарога сотган вақтида мутасадди идораларнинг ходимлари томонидан ушланди. Ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган балиқлар тумандаги «Меҳрибонлик» уйига хайрия учун топширилди. Шундан сўнг уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, хулосаси қонуний чора кўриш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

Суд ноқонуний балиқ овчиларига муайян муддатга озодликдан чеклаш жазосини тайинлаш баробарида, улардан 53 миллион 845 минг сўмлик моддий зарарни ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Шундай қилиб, ноқонуний ов енгил даромадни кўзлаганларга қимматга тушди. Улар энди ҳайвонот олами қонун ҳимоясида эканини яхши англаб етишган бўлиши шубҳасиз. Бу бошқа қонунбузар «овчи»ларга ҳам сабоқ бўлган бўлса, ажаб эмас.

**Азамат АБДУРАСУЛОВ,**
Зафаробод тумани ИИБ терговчиси



Қашқадарё вилояти

Бор бўл, оқибат!

**«Донор» сўзи лотинчадан таржима қилганда «туҳфа қилмоқ» деган маънони англатади. Донор ўз қонини бериш орқали жамиятдошининг ҳаётини сақлаб қолиши, унга янги ҳаёт туҳфа қилиши мумкин. Донорлик қон ва ички органларни тўлиқ ёки бир қисмини бериш орқали амалга оширилади. Ички органлар донорлиги ҳам ҳуқуқий, ҳам тиббий жиҳатдан мураккаб масала. Қон донорлиги учун эса ҳар доим талаб ва таклиф мавжуд.**



# ОДДИЙ, АММО ОЛИЙ ҚАҲРАМОНЛИК

## ёхуд донорлик малҳами

18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, оғирлиги 50 килограммдан юқори, соғлом, ирқи, касби, жинсидан қатъи назар, ҳар бир инсон қон ва унинг компонентлари учун донор бўла олади.

Инсон организмида 4,5 – 5 литр қон мавжуд. Кўп йиллик илмий изланишлар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, 500 мл.гача қон топшириш организм учун хавфсиздир. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-400 мл. қон олинади.

Донорлик амалиётини бажаришдан аввал қон берувчи ўз саломатлигини сақлаши ҳамда топширилажак қон сифатини яхшилаш мақсадида бир неча жиҳатларга диққат қаратиши лозим. Яъни, мунтазам равишда тўлақонли овқатланиш, кун давомида кўпроқ суюқликлар истеъмол қилиш зарур. Амалиётдан 2-3 соат олдин ёғли, аччиқ таомлар истеъмол қилмаслик талаб этилади. Чунки ёғли овқатлар қоннинг сифатига таъсир қилади ва унинг даво самарасини камайтиради. Оч қоринга қон топшириш мумкин эмас, шунинг учун донор эрталаб енгил нонушта қилиб келиши зарур бўлади.

Бундан ташқари, донор тўйиб ухлаши керак. Тунги навбатчиликдан кейин қон топшириш тавсия этилмайди. Зеро, навбатчиликда кўп қувват сарфланади, бу эса организмда модда алмашинувига таъсир қилади. Донорликкача икки кун мобайнида спиртлик ичимликлар ичиш мутлақо тақиқланади.

Донорлик амалиётидан кейин йўқотилган суюқлик ўрни 36 соат ичида, эритроцитлар 8 ҳафта мобайнида, плазма 3-5 кун ичида, тромбоцит ва лейкоцитлар 5-7 кун давомида тўлиқ тикланади.

Шундан келиб чиқиб, қонни йилига 4-5 марта (эркаклар ҳар 2 ойда, аёллар ҳар 3 ойда) топшириш тавсия этилади. Плазма ва қоннинг бошқа компонентларини ҳар 14 кунда топшириш мумкин.

Донорлик нафақат қон олувчи, балки қон берувчининг саломатлиги учун ҳам фойдали. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, донорлар бошқаларга қараганда 5 йил кўпроқ умр кечиришади.

Ҳар қандай қон топшириш организм учун енгил стресс ҳисобланади. Бундай енгил стресслар ташқи муҳитнинг салбий омилларига таъсирчанликни оширади. Бахтсиз ҳодисалар, операциялар чоғида организмнинг оғир талафотларга учраш эҳтимоли донорларда бошқаларга қараганда камроқ бўлади. Чунки донор организми қон йўқотишга мослашади ва оғир асоратларни ҳам нисбатан енгилроқ ўтказади.

***Инсон организмида 4,5 – 5 литр қон мавжуд. Кўп йиллик илмий изланишлар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, 500 мл.гача қон топшириш организм учун хавфсиздир. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-400 мл. қон олинади.***

Донорлик инфаркт ва бошқа юрак-қон томир касалликлари келиб чиқиши хавфини бир неча бор камайтиради. Олимлар эркак донорлар орасида юрак инфаркти бошқаларга қараганда 30 фоиз камроқ учрашини аниқлашган.

Доимий равишда қон ва унинг компонентларини топшириш ҳужайраларнинг табиий янгиланишига ва организм ёшаришига олиб келади. Бундай янгиланиш юрак, қон-томир тизими касалликлари, атеросклероз, подагра, овқат ҳазм қилиш, ошқозоности безидан, жигар ва асосий модда алмашинуви фаолиятлари бузилишининг олдини олишда фойдали ҳисобланади. Иммун тизими касалликларининг олдини олишда ҳам доимий равишда қон топшириш самарали. Чунки у ҳам организмнинг умумий янгиланиши билан боғлиқ.

Қон донорларида ўпка, тўғри ичак, ошқозон ва ҳиқилдоқ саратони учраш хавфи камаяди. Қон янгиланиб тургани боис жигарда ортиқча темир ионларининг йиғилиб қолиши ва гемахроматоз касаллиги келиб чиқишининг олди олинади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни донор ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни машғулотлардан, ҳарбий хизматчилар эса нарядларни бажаришдан, хизматни ўташнинг вахта ва бошқа шаклларидан озод қилинади.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун берилади. Донорнинг хоҳишига кўра, мазкур дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши мумкин.

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топширувчи донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланади ва энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир мартада тўлиқ бериладиган пул мукофоти ҳам олишади.

*Умуман олганда, донорлик ҳар қандай инсон қилиши мумкин бўлган оддий, лекин олий қаҳрамонликдир. Қон донорлиги – жамият саломатлиги учун берилиши мумкин бўлган беғараз ёрдам. Бу яхшилик, бир куни албатта, қайтади...*

**Эшонқул РАҲИМОВ,**
Қашқадарё вилояти қон хизмати маркази бош шифокори



*«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.»*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда.**

«Ishonch»га жавоб берадилар

**«Ishonch» газетасининг шу йил 19 ноябрдаги сонида чоп этилган «Чиқитга айланаётган хомашё ёхуд Чироқчида чарм маҳсулотлари тайёрлаш имконияти йўқми?» сарлавҳали мақолага «O'ZCHARMSANOAT» уюшмаси қуйидагича муносабат билдирди:**




# Аҳвол тезда ўнгланади

Уюшма таҳририятга энг долзарб муаммолардан бирини танқидий равишда ёритгани учун миннатдорчилик билдиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 майдаги 386-сонли «Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда истеъмол бозорига гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида ҳозирги кунда 8 та замонавий автоматлаштирилган кушхона фаолият кўрсатмоқда. 2020-2021 йилларда вилоятда чорва молларини сўйиш ва терига бирламчи ишлов бериш бўйича ташкил этиладиган автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган яна 12 та сўйиш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда Чироқчи туманида сўйилаётган майда шохли чорва молларининг ветеринария талабларига жавоб бермайдиган жойларда ва ҳолатларда малакасиз қассоблар томонидан сўйилиши ҳамда талаб даражасида тегишли ишловлар берилмаслиги оқибатида терилар сифатсиз ҳолга келиб қолмоқда.

Чироқчи тумани ҳокимлиги замонавий автоматлаштирилган сўйиш корхоналарини ташкил қилиш, тери хомашёсини чуқур қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр чарм, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ташаббускор тадбиркорларни жалб қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Умуман, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда қиймати 529,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 330 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Уюшма раиси вазифасини бажарувчи — Ф.БОБОЕВ**

***

**«Ishonch» газетасининг жорий йил 3 декабрь куни сонида чоп этилган «Қуламаса ҳисоб эмасми?» сарлавҳали мақолага Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси қуйидагича муносабат билдирди:**

# Манзилли дастурга киритилди




Хонқа тумани халқ таълими бўлимига қарашли Сарапаён қишлоғининг «Гулистон» маҳалласида жойлашган 19-сонли мактаб биноси 1976 йилда 944 ўринга мўлжаллаб қурилган. Хоразм вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси 2010 йилда мактабнинг спорт ва фаоллар зали биноси қисми авария ҳолатида экани ҳақида хулоса берган ва шу асосда уларнинг фаолияти тўхтатилган. Мактаб биноси 2011 йилда «Таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш» жамғармаси ҳисобидан таъмирланган. Таъмирлаш ишлари учун 211,1 миллион сўм сарфланган. Бироқ маблағ етишмагани сабабли мактабнинг спорт зал биноси ва фаоллар зали қисми таъмирланмай қолган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси Халқ таълими вазирлигига бир неча маротаба мактаб спорт залини таъмирлаш дастурига киритиш бўйича таклиф берган, бироқ маблағ етарли бўлмагани сабабли рўйхатга киритилмаган.

Шу йилнинг 4 сентябр куни Президент раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор баёнининг 34-бандига асосан барча умумтаълим мактаблари учун спорт заллар қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган манзилли дастури шакллантирилиб, Халқ таълими, Иқтисодиёт ва Молия вазирликларига тақдим қилинди. Манзилли дастурда Хонқа туманидаги 19-сонли мактаб спорт залини реконструкция қилиш 2021 йил режасига киритилиши учун таклиф берилган.

**Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари — Қ.ЗАРИПОВ**

Реклама ҳуқуқида
Хизматлар лицензияланган

**Қуёнчилик ҳақида гап кетса, кўпчиликнинг ёдига «Ажойиб хаёлпараст» фильми тушади. Тажриба учун олиб келинган қуёнлар фильм қаҳрамони Ҳасан дўхтирнинг эътиборини тез кўпайиши билан тортган эди. Ундан тезда бойиб кетишни кўзлаган Ҳасан аканинг фикри ўша давр учун қизиқ туюлган бўлиши мумкин-у, аммо бугун ҳақиқатдан ҳам қуёнчилик ҳар бир хонадон учун, ишбилармон кишилар учун даромад манбаига айланиши мумкин.**
**Буни «Микрокредитбанк» амалга ошираётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

MIKROKREDITBANK





# АЖОЙИБ ИШБИЛАРМОНЛАР

## *«Микрокредитбанк» қандай қилиб орзуларни рўёбга чиқармоқда?*

## Кони фойда – тармоқ



Қуёнчилик деганда биз қуён парҳезбоп гўшти-ю, мўйнабоп терисини тушунамиз, холос. Аслида эса ундан жаҳонда анчайин қиммат маҳсулотлар тайёрланади. Маълумотларга кўра, ҳатто, қуён қонидан тайёрланган зардобни тиббиёт йўналишида ишлатиш мумкин. Бир килограмм мия кукуни эса жаҳон бозорида 30 минг долларгача баҳоланар экан. Шу билан бирга, унинг чиқиндиси ҳам деҳқончиликда яхши самара беради.

## Қуёнчилик қирқ кунда

Халқимизда шундай мақол бор: чорвачилик – қирқ йилда, деҳқончилик – бир йилда. Бу аждодларимизнинг узоқ кузатишлари ва тармоқларнинг даромад бериши ҳисобга олиб айтилган пурмаъно нақл. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қуёнчилик – қирқ кунда.

Келинг, уни биргина ҳисоб-китобда кўриб чиқамиз.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, битта она қуён бир йилда табиий уй шароитида беш марта, ўртача беш олтитадан болалайди. Бу бир жуфт қуён бир йилда ўттизтага кўпайди, дегани. Яна бир жиҳати, йил бошида туғилган қуёнчалар йил охирига келиб, ўзлари ҳам она бўлади. Хуллас, шу вақт ичида қуёнлар сони қарийб 140 тага етиб, 300 килограммгача гўшт олиш имконияти вужудга келади.

Юртимиз бозорларида бир килограмм қуён гўшти ўртача 30 минг сўм, жаҳон бозорида эса 5-6 АҚШ доллар атрофида. Ана энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг-а... Бундан ташқари, мўйнаси, қони, ўғити ва бошқалари... Ҳасан дўхтирнинг хаёлпараст эмаслиги ана шу ҳисоб-китобда ҳам аниқлашмоқдами?..



## Президент ташрифидан сўнг...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятига қилган сафаридан бирида Қуёнчилик илмий генетик маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 2 августида Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қуёнчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва унга кўра, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидаги Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази ташкил этилди.

Қуёнчилик соҳасида селекция-наслчилик ишларини такомиллаштириш, тармоққа инновацион технологиялар ва илғор конструкторлик намуналарини жорий этиш, генетик тадқиқотлар ўтказиш каби ишлар билан шуғулланувчи ушбу марказнинг харажатлари эса 2 йил давомида «Микрокредитбанк» ҳисобидан қопланади.

## Жаҳон тажрибаси

Ҳозирда Хитой, Италия каби давлатларда қуёнчилик соҳаси анча тараққий этган ва улар бу борада катта тажрибага эга. Хусусан, Италияда ресурслар чекланганига қарамасдан бир йилда 300 минг тонна қуён гўшти етиштирилади.

Қуён гўштига талаб дунё бозорида йилига камида 25 фоиз ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби эса қуён гўштининг экологик жиҳатдан тозалиги ва парҳезбоплигидир.

## Саломатлик омили

Халқаро стандартларга кўра, инсон организми соғлом бўлишини истаса, бир йилда 90 килограммгача гўшт истеъмол қилиши, шунинг камида 5 фоизи қуён гўшти бўлиши керак.

Чунки, қуён гўштида оқсил юқори даражада, ёғ жуда кам бўлгани боис, у товуқ, курка, қўй, мол гўштларига нисбатан шифобахшроқ. Шунинг учун уни ошқозон касаллиги, юрак-қон томири хасталиги ва вазнни камайтириш учун ейиш тавсия этилади. Қуён гўштида лецитин кўплиги туфайли уни мунтазам истеъмол қилиб туриш атеросклероздан сақлайди. Бундан ташқари, қуён гўшти юрак атрофини ёғ босиб қолишидан асрайди. Қуён ёғи янада фойдалироқ. Агар уни асал билан аралаштириб, сурункали йўталга қарши кўкрак ва орқа куракка суртсангиз, хасталик енгилади.



## Фаолият кўлами кенгаймоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги «Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш тўғрисида»ги мажлис баёнига мувофиқ, мамлакатимизда қуёнчиликни ривожлантиришга «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки масъул этиб бириктирилган эди. Ўтган даврда молия муассасаси бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Жумладан, **республика бўйича 122 та** қуёнчиликка ихтисослаштирилган агрофирма ташкил қилинди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун **62,4 миллиард сўм** миқдорда кредит ажратилди.

Наслли қуёнларни кўпайтириш мақсадида 2017 йилда Италиядан 1500 бош «Янги Зелландия», Испаниядан 400 бош «Уй қуёни» зотли қуёнлар келтирилган бўлса, 2018 йилда Беларусь Республикасидан 1 100 бош «Хиплюс» зотли қуёнлар харид қилинди. Жорий йилнинг июль ойида эса Россиядан «Хиколь» зотли 1000 бош, сентябрь ойида Италиядан «Parent» зотли 570 бош қуёнлар келтирилиб, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги қуёнчилик хўжаликларига етказиб берилди.



Умуман олганда, бу каби юмушлар туфайли республика бўйича қуёнчилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида парваришланаётган қуёнлар бош сони **507 мингга** етказилди. Биргина шу йилнинг ўзида **35,5 минг бош** қуён гўштга топширилиши эвазига **64,4 тонна** парҳез гўшти етиштирилди, **79,4 минг бош** қуён эса тармоқни янада ривожлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларга сотилди. Ҳозирги кунда кўпайтириш учун **56,3 минг бош** қуён мавжуд.

## Билим ва малака ҳам оширилмоқда

«Микрокредитбанк» соҳани ривожлантириш учун нафақат кредит йўналтирмоқда, балки тадбиркорларнинг билим ва малакасини ҳам оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ўтган йили банк ёрдами билан бир қатор агрофирма раҳбарлари ва фермерлар Италияда бўлиб ўтган «Қишлоқ хўжалиги ва зоотехника бўйича халқаро ярмарка»да иштирок этиб, Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси раҳбарияти билан учрашдилар.

Унда қуён гўшти ишлаб чиқаришнинг тизимли шаклини янада ривожлантириш, гўшт ва мўйначиликка мослаштирилган зотдор қуёнлар боқиш, гўшт ва терини қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш ҳамда экспорт қилишнинг яхлит тизимини жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Ҳамкорликнинг давоми сифатида Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси мутасаддилари Ўзбекистонга келди.

Ташриф доирасида Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси ва «Микрокредитбанк» АТБ ўртасида меморандум имзоланди. Бухоро шаҳрида қуёнчиликка ихтисослаштирилган агрофирмалар раҳбарлари учун қуёнчиликни саноат усулида ривожлантириш бўйича семинар ташкил этилди. Бундай семинарлар мунтазамлик касб этаётгани диққатга сазовор. Хусусан, жорий йилда қуёнчилик агрофирмалари вакиллари Италия наслчилик ассоциацияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Мазкур ташрифда ҳам Италия наслчилик ассоциацияси ҳамда «Микрокредитбанк» АТБ ўртасида меморандум имзоландики, бу орқали селекция ишларида ҳамкорлик қилинади.



## Натижалар қувончли...

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Lepus Agro Service» масъулияти чекланган жамиятига бундан икки йил олдин «Микрокредитбанк» қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит ажратган эди. Натижада, агрофирма ҳудудида қуён боқиш учун барча шароитлар яратилди. Самара эса аъло даражада: Беларусь Республикасидан олиб келинган 1 100 бош қуён бир йилда беш баробарга кўпайди. Унинг бир қисми аҳоли ва тадбиркорларга тарқатилган бўлса, қолгани гўшт сифатида сотилди. Айни пайтда эса аргофирмада 3 000 бошга яқин қуён парвариш қилинмоқда.

Қуёнчиликда салмоқли ютуққа эришиб келаётганлардан яна бири — «Сирдарё момиқ қуёнлари» фермер хўжалиги фаолияти ҳам ёмон эмас. Гап шундаки, мазкур хўжалик ҳам икки йил олдин банк кредит асосида Италиядан «Янги Зелландия» зотли 114 бош қуён харид қилган эди. Жамоанинг саъй-ҳаракати билан ушбу зотдор қуёнлар ҳам тез кўпайди. 2 000 бош қуён аҳоли ва тадбиркорларга етказиб берилган бўлса, 3 тоннадан ортиқ қуён гўшти етиштирилди.

Бундан ташқари, шу давлатдан жорий йилнинг сентябрь ойида қуёнлар зотини янгилаш мақсадида 100 бошга яқин наслли «Parent» қуёнлари олиб келиниб, парваришланмоқда.

«Микрокредитбанк» томонидан қуёнчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар босқичма-босқич молиялаштирилиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда Тошкент вилоятининг ҚуйиЧирчиқ туманида қуёнчиликка ихтисослашган агрокомплекс фаолиятини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур агрокомплекс йилига 50 минг бош наслли она қуён ва 3 минг тонна қуён гўшти етиштириш қувватига эга бўлади. 50 нафар кишининг бандлиги таъминланади.

## Саноатлашган тармоқ керак

Албатта, юқорида айтиб ўтганимиздек, қуёнчилик – истиқболли тармоқ. Аммо у эътибор қаратилса ва саноатлаштирилса...

Очиғи, ҳозирча мамлакатимизда мазкур тармоқни яхши ривожланган саноат даражасига чиққан, дея олмаймиз. Қуёнчилик саноатлашган даражада иш юритиши керак. Яъни боқувчига харидор нақд бўлсин. У маҳсулотини қаерга сотишини олдиндан билиши лозим. Қолаверса, унинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала.

«Микрокредитбанк» ана шу жиҳатларни олган ҳолда тармоқни ривожлантиришни мақсад қилган.

***Бугун аҳоли фаровонлигини янада оширишда тадбиркорларнинг фаоллашуви ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мазкур молия муассасаси жамоаси ишбилармонларга кўмакдош бўлишни ўзларининг асосий вазифаси деб билади. Шу маънода, қуёнчиликка қаратилаётган эътибор бежиз эмас. Зотан, у тадбиркорга ҳам, аҳолига ҳам бирдек манфаат келтирадиган тармоқдир.***
***Қуён боқиб, бой бўлаётганларга эса бир таъриф айни мос: ажойиб ишбилармонлар! Энг муҳими, улар сафи кенгаймоқда. Ёнида эса яқин молиявий кўмакдоши – «Микрокредитбанк» бор.***

**«Микрокредитбанк» АТБ**
**Ахборот хизмати**




# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимиз, шу жумладан, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, меҳнат муҳофазасини ҳимоя қилишда фидойилик билан фаолият юритаётган касаба уюшмалари фаолларини*

***мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги билан***

*самимий муборакбод этади!*
*Ҳамиша юртимиз тинч ва фаровон, хонадонларимиз осойишта, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.*



*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*

Тарғибот

## БОШ ҚОНУНИМИЗ ТАРҒИБОТИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида «Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳияти» мавзусида маънавият соати ўтказилди.**

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкил этган тадбирда тармоқ касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.

Юридик фанлари доктори, профессор Феруза Муҳамедованинг маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Конституциянинг мазмун-моҳиятини меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилиш, унинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш бўйича амалий таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Саховат

**Чилонзор тумани Ногиронлар жамияти аъзолари бир гуруҳ саховатпеша инсонлар кўмагида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан хайрия тадбири ўтказди.**



## Меҳр чегара билмас

Унда туман ногиронлар жамияти аъзолари ҳисобланган 300 нафар бола ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таниқли театр актёрлари ва санъат намояндалари, эстрада хонандалари, ёш ижрочилар, болалар ижодиёт гуруҳи аъзоларининг байрам дастурлари барчани мамнун этди. Эртак қаҳрамонлари иштирокида ўтказилган интерфаол ўйинлар ва қизиқарли танловларда болалар фаол қатнашди.

Тадбир якунида иштирокчиларга ҳомийлар, Чилонзор тумани Ногиронлар жамияти ҳамда Ёшлар иттифоқи Чилонзор тумани кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

– Юртимизда имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Чилонзор тумани Ногиронлар жамияти раиси Гулсара Дониёрова. – Бўлиб ўтган тадбир ҳар бир иштирокчининг ҳаётга бўлган интилиш ва иштиёқини янада кучайтиргани шубҳасиз. Зеро, кўнгли кўтарилган болалар энди ўзларининг меҳрдан четда эмаслигини англаб етишди.



Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch»

Сирдарё вилояти



## Сирдарёдан Европага

Сирдарё вилоятидаги «Bek» масъулияти чекланган шаклидаги қўшма корхонаси Европа давлатларига маҳсулот экспорт қилиш учун GLOBAL G.A.P сертификатига эга бўлди. Ушбу сертификат маҳсулот етиштириш, қадоқлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиш жараёнлари хавфсизлигини англатади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозорга «Бек» бренди билан тақдим этилади. Корхонада бир кунда 40 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади.

2018 йили Жанубий Корея технологияси асосида 11 гектарлик гидропоника иссиқхонаси қурилди. Лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу ерда йилига 2 минг тонна сабзавот етиштирилади. Эътиборлиси, маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилган.

– Эндиликда GLOBAL G.A.P сертификати Европа давлатларига экспорт имкониятини беради, – дейди корхона раҳбари Ботир Исмоилов. – Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бериладиган ушбу халқаро сертификат мамлакатимиздаги 40 та корхона маҳсулотларига тақдим этилган. Улардан иккитаси Сирдарё вилояти ҳудудида жойлашган.

Экспорт



*«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.»*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-модда**

Озиқ-овқат хавфсизлиги сертификатига эга бўлган Мирзаобод туманида жойлашган «Деҳқонобод асл анори» ишлаб чиқариш кооперативи анор шарбати ишлаб чиқариб келмоқда. Корхона 2017 йилда ташкил этилган бўлиб, унга 5 та фермер хўжалиги ва 30 та деҳқон хўжалиги бирлашган. Корхонада Австрия давлатининг «Креузмайр» технологияси асосида маҳаллий анор мевасидан шарбат ишлаб чиқарилмоқда.



Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch»

Эълонлар

*Аукцион савдолари хабарномаси*

## «BEST AUKSION SAVDO»

### масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**I. 2019 йил 24 декабрь куни соат 11:00да** ташкил қилинадиган савдоларга «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 22.11.2019 йилдаги № 22-11/430-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари такроран алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда:

1. 2012 йилда и/ч, д/р 01 951 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус. Бошланғич баҳоси – 121 654 654 сўм.

2. 2012 йилда и/ч, д/р 01 948 GCA бўлган «ISUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус. Бошланғич баҳоси – 121 654 654 сўм.

3. 2015 йилда и/ч, д/р 01 845 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автомобиль. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

4. 2015 йилда и/ч, д/р 01 847 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автомобиль. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

5. 2015 йилда и/ч, д/р 01 846 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автомобиль. Бошланғич баҳоси – 69 165 110 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 31 декабрь ҳамда 2020 йил 3 январь кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

**II. 2020 йил 7 январь куни соат 11:00да** ташкил қилинадиган савдоларга «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 28.11.2019 йилдаги № 22-11/432-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги қуйидаги қурилиш моллари яхлит ҳолда қўйилмоқда:

| № | Мулк номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Баҳоси (сўм) кг, м², м³ | Жами баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чўян батареялар | сексия | 320 | 10 000 | 3 200 000 |
| 2 | Металл профнастиллар | м² | 117,13 | 22 500 | 3 985 425 |
| 3 | Металл ферма бурчаклари Д=40 | кг | 453 | 1 200 | 543 600 |
| 4 | Металл панжаралар | м² | 9,8 | 65 000 | 637 000 |
| 5 | Дераза панжаралари | м² | 67,8 | 65 000 | 4 407 000 |
| 6 | Алюмин парчалари | м² | 76,8 | 40 000 | 3 072 000 |
| 7 | Металл эшиклар 2,72 м² | дона | 1 | 200 000 | 200 000 |
| 8 | Дераза ромлари | м² | 100 | 40 000 | 4 000 000 |
| | **Жами:** | | | | **20 045 025** |

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 0,5 фоизи миқдорида комиссион йиғимини тўлаб беради.

**III. 2020 йил 7 январь куни соат 12:00да** ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармасининг 29.11.2019 йилдаги № 539-сонли буюртмасига асосан бошқарма ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда:

1. 1989 йилда и/ч, д/р 01 601 DA бўлган «ЭО-2621» русумли экскаватор. Бошланғич баҳоси – 2 064 800 сўм.

2. 1990 йилда и/ч, д/р 01 784 BA бўлган «МТЗ-82» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 1 335 900 сўм.

3. 1988 йилда и/ч, д/р 01 061 EBA бўлган «УДС-114» русумли енгил татра. Бошланғич баҳоси – 9 511 500 сўм.

4. 1983 йилда и/ч, д/р 01 103 GAA бўлган «ЗИЛ ММЗ 354 М» русумли юк (самосвал) автомобиль. Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.

5. 2001 йилда и/ч, д/р 01 453 YAA бўлган «Ўзотойўл 23.12» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

6. 2003 йилда и/ч, д/р 01 627 DA бўлган ТТЗ-80/10 русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 2,0 фоизи миқдорида комиссион йиғимини тўлаб беради.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси 2020 йил 7 январь куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 14-, 21-, 28 январь кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 24 декабрь кунидаги савдо учун 23 декабрь, 2020 йил 3 январь кунидаги савдо учун 2 январь, 7 январь кунидаги савдо учун 6 январь, 14 январь кунидаги савдо учун 13 январь, 21 январдаги савдо учун 20 январь, 28 январдаги савдо учун 27 январь кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, ҳ/р: 20208000500842710001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳри минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан банк ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел:** (91) 965-77-15. **E-mail:** bas_savdo@mail.ru

**Гувоҳнома № 576174**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №583668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXPO» МЧЖ (СТИР: 305359030) тугатилади.

**Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (+99871) 267-53-16.**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Давлат хизматлари» маркази томонидан 2018 йил 4 январь куни №556146-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «DAAP HOPE» (СТИР: 305192755) оилавий корхонаси устав жамғармаси 52 000 000 сўмдан 23 188 000 сўмга камайтирилаётгани маълум қилинади.

Бухоро вилояти

Реклама ҳуқуқи асосида




**«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки мижозларга қулайлик яратиш, аҳолини замонавий банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Юртимиз ҳудудларида банк инфратузилмалари тармоғи кенгайиб бормоқда. Банк филиаллари замонавий банк технологиялари билан жиҳозланмоқда.**

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

*«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Галаосиё филиали янги бинода фаолият юритмоқда*



Яқинда банкнинг Галаосиё филиали янги маъмурий бинода иш бошлади. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда банк бошқаруви ва Бухоро вилояти ҳокимлиги раҳбарлари, банк мижозлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон банк тизимида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан туб ўзгаришлар амалга оширилаётганини, бунинг ёрқин мисолини Галаосиё филиалининг янги биносида яратилган қулайликлар мисолида ҳам кўриш мумкинлигини таъкидладилар.

Банк биноси замонавий банк технологиялари, хусусан, банкоматлар, инфокиосклар билан жиҳозланган. Мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи шохобча кеча-ю кундуз узлуксиз фаолият кўрсатмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади.

**«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ**
**Ахборот хизмати**

Хизматлар лицензияланган




Реклама




Эълонлар

**Барча турдаги лойиҳа ва қидирув ташкилотлари диққатига!**

## Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси қуйидаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон қўрғони, Чимкент йўли кўчасида жойлашган Дархон илмий-тажриба станцияси ҳудудида кўп қаватли турар жой, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш.

Буюртмачининг лойиҳа-қидирув ишлари бўйича белгиланадиган нархи Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби» тўғрисидаги 396-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига асосан буюртмачи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳалаштириш ишларини молиялаштириш тижорат банкларнинг кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар кўп қаватли биноларни лойиҳалаштириш бўйича мутахассислари юқори тажрибага ва малакага эга бўлган, молиявий имкониятлари етарли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун буюртмачига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «М» мавзеси, Чўпонота кўчаси 28- «А» уй.

Маълумот учун телефон: (+99897) 462-72-00.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан кейин 10 кундан сўнг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «М»-мавзеси, Чўпонота кўчаси, 28- «А» уйда ўтказилади.




Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Кенгаш аппаратининг юридик бўлими етакчи юрисконсульти Наргиза Асадовага падари бузруквори, Ўзбекистон халқ артисти

**Тоҳир МИРАЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмалари жамоалари Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Рустам Сатторовга укаси

**Зафаржон САТТОРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази жамоаси марказ директори, профессор

**Мирҳаким АЗИЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС:**

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:** С. Шодиева
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни — **23:10**
Топширилди — **02:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма **Г —1217.**
**27516** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6